

Об-хаво намгарчилик келган йиллари пахтадан юқори ҳосил олиш учун амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Техник экинлардан пахта етиштириш жуда мураккаб жароён бўлиб жуда кўп тадбирларни қандай олиб борилишига ва йилни қандай келишига ҳамда иқлимий ҳудуд ва об-хаво шароитларига боғлиқ бўлади. Кўп йиллик кузатишлардан маълумки об-хаво ноқулай келган, баҳор одатдагидан кеч келган, хаво харорати паст булган йилларда, об-хаво қурғоқчилик келган йилларга нисбатан пахта етиштириш анча қийинлашади, қутилмаган муаммолар юзага келади. Масалан: 1986 йил октябр ойида кучли 20-30 см қор ёғиши натижасида хатто пахтани биринчи терими ҳам қор остида қолиб кетган, ёки 2003 йил баҳорда май ойини 2-ўн кунлигдан бошлаб то 3-чи ўн кунлиги охиригача булган сурункали (100 мм дан ортик) ёмғир ёғиши, хароратни одатдагидан 10-15° С паст келиши натижасида далада нам сиғими ортиб кетган, хатто баъзи ҳудудларда пахтани қайта экишга ҳам тўғри келган.

Бундай йилларда пахта етиштиришда дехқонлар ва фермерлар узоқ йиллар тажрибаси бор мутахассисларга таяниб иш кўришлари лозим.

Серёғин ва намгарчилик ҳамда хаво харорати паст келган йилларда асосан эътиборни агротехник тадбирларга қаратиш керак. Бунда асосий эътиборни далани нам сиғимини камайтириш, тупроқда хаво алмашивуни яхшилашга қаратилади. Жумладан:

Ў Ерни экишга тайёрлашда агар далада нам сиғими ортик бўлса ерни етилиши кечикаётган бўлса қўшимча далани узунасига ва кўндалангига чизел қилиб сўнг мола босиш керак.

Ў Экишдан олдин дехқон ва фермерлар камида 1 ҳафтада қутилаётган об хаво малумотларини эътиборга олишлари зарур, чунки чигит ерга экилгандан кейин бўладиган кучли ёмғирлар натижасида ерда харорат пасайиб, намлик ортиб чигит унмай қолиши ва чириши мумкин.

Ў Бундай йилларда кучат 80% униб чиқиши билан қатор ораларига ишлов беришни бошласа бўлаверади.

Ў Ғўзани яғона қилишда қўшимча 5-10 % захира кўчат қолдириш зарур бўлади, кейинроқ об хаво шароитлари яхшиланганда ортикча кўчатларни олиб ташлаш мумкин.



RESEARCH PROGRAM ON Dryland Systems



Об-хаво шароитига қараб амалга ошириладиган агротехник вазифалар ПАХТА



(CRP 1.1. лойихаси бажарилиши даврида берилган тавсияси)

Ноябрь - 2015 й.

Об-хаво қурғоқчилик келган йиллари пахтадан юқори хосил олиш учун амалга ошириладиган агротехник тадбирлар

Амалга ошириладиган барча агротехник тадбирлар ва қўйиладиган вазибалар асосини тупроқни дала нам сифимини ошириш ва тупроқ намлигини иложи борича купроқ сақлаб туришга қаратилиши лозим..

Ў Йилни қурғоқчилик келаётганини сезган дехконлар кузги шудгорга катта ахамият берадилар, яъни ерда нам етарли булмаса шудгор олдидан енгил меёрда 600-700 м³ сув бериб, ерни етилириб хайдов ўтказилади. Қурғоқчилик йилларида шудгор чуқурлиги бошқа йилларга нисбатан ер шароитидан келиб чиқиб 10-12 см чуқурроқ яъни 38-40 см чуқурликда шудгор қилиниши шарт. Имконияти булса 50-60 см чуқурликда рехлитель ёрдамида ер юмшатилади. Бу тадбир 10-15 % дала нам сифимини оширади.

Ў Фосфорли, калийли ўғитларни 50-60% шудгордан олдин берилиши керак (афсуски бу тадбирга кейинги йилларда эътибор берилмаяпти)



Ў Шудгорланган ерларни барчаси кузда текисланиб, икки марта узунасига ва кўндалангига текисланиши лозим.

Ў Текисланган ерларни донадорлигини ошириш мақсадида ва хайдов чуқурлигини бир хил қилиб олиш учун ер узунасига ва кўндаланг буйлаб чизель қилинади, ер шароитидан келиб чиқиб мола ёки барона қилиниб маркор билан пуштага бахорда чигит экадиган қилиб эгат олинади.(механик таркиби оғир бўз тупроқларда)

Ў Нишоблиги кам бўлган соз тупроқ ерларда албатта узун ва кўндаланг буйлаб узун базали ер текислагич ёрдамида майдон текисланади, маркор билан



пуштага уруғ экадиган қилиб эгат олинади.



Ў Кузда ер тайёрланиб пушта олиб қўйилган майдонлар ёгингарчиликлар натижасида узда қиш ойларида етарли нам тўплайди, бахор

келиши билан бу майдонларда жуда қисқа вақтларда чигитни экиш имкони яратилади.

Ў Бундай майдонларга экилган чигит униб чиққандан сунг биринчи ишлов беришдаёк (культивация) 70-80 % бегона ўтлардан халос бўлинади.

Ў Механик таркиби оғир тупроқдан ташқари барча тупроқларда нам тўплаш мақсадида гектарига 100-1200 м³ нормада сув берилади.

Ў Механик таркиби оғир бўз ва тошлоқ адирли тупроқларда сув бахор ойларида чигит экиш олдиндан берилади. Чунки кузда ёки қишда сув берилса тупроқ зичлашиб кетиши мумкин.

Ў Қурғоқчилик келган йилларда кузда, қишда нам суви берилмаса, бахорда суғоришга улгуролмай қолиш мумкин. Экиш даври келиб қолади, ерни текислаб чигит экиб юборилади, натижада текис кўчат олиш учун 2 марта сув беришга тўғри келади. Бу ортиқча меҳнат, сув ва бошқа қўшимча тадбирларни келтириб чиқаради. Табиий қатқалок хосил бўлади, ерни бегона ўт босиб кетади, ерни исиши қийин бўлади. Натижада ғўзани илдизи ривожланмай туриб қолади.

Ў Агротехникада бир гектар ердаги кўчатни униб чиқиши ва бошланиши ва тугаши ўргасидаги фарқ 6-8 кун бўлиши керак. Шунда бир хил агротехник тадбирларни қўллаш



мумкин, пахтани биринчи терими салмоғи 80-85 % ни ташкил этади, кўчатлар ёшидаги фарқ 15-20 кунни ташкил қилса биринчи терим пахта 40-45% атрофда бўлади холос. Якунда кўнгилдагидек хосил олинмайди.

Ў Куп йиллик тажрибалардан қурғоқчилик келган йиллари бахор эрта келиши аниқланган. Юқоридаги кузги-қишқи ишларни ўз вақтида амалга оширилган ерларда март ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб етилган майдонларни эгат чуқурлигига қараб бир ёки

икки марта узунасига борона қилиб чигит экишни бошласа бўлаверади.

Ў Механик таркиби енгил бўз тупроқларда ва соз тупроқларда чигитни қаторлаб экиш лозим.

Ў Механик таркиби оғир бўз тупроқли ерларда дехкончилик қилиш бошқа тупроқларга нисбатан анча эътиборни талаб қилади. Бундай ерларни иложи борича куруқ хайдаш керак, чунки лой сернам шудгор қилинса эрта бахорда ер тез етилмайди, техника кириши натижасида тупроқ зичлашиб кетади. Натижада бундай ерларда пахта кечки бўлиб қолади ва хосилдорлик паст бўлади.

Ў Юқоридаги холат юз бермаслиги учун чигит экилгандан кейин 5-6 кунда яхши мутахасислар иштирокида бундай майдонларни кузатиш керак, кўчат тўлиқ униб чиқдими ёки йўқми, агар униб чиқиши



аниқланса ерни етилиши билан намни йўқотмаслик, тупроқ хароратини кўтариш ва хаво алмашишини яхшилаш учун культивация қилиш керак, бу чигитни тўлиқ унишига ёрдам беради.

Ў Ерни намини қочирмаслик ва ғўзани илдизини ривожланиши яхшилаш мақсадида ғўза 2-чи чин барг чиқарган майдонларда қатор орасини рехлитель ёрдамида чуқур юмшатишни бошлаш керак, бу ишни ғўзада то 2-3 та шона хосил бўлгунча давом эттириш мумкин.

Рехлитель чуқурлиги тупроқ турига, экиш схемасига

қараб 20-30 см чуқурликда амалга ошириш мумкин. Қатор ораси юмшатиб олингандан сўнг албатта майин қилиб культивация қилиш шарт. Қурғоқчилик йилларида культивациядан



кейин эгат очиш мумкин эмас. Намгарчилик йиллари эса албатта эгат очилиши шарт. (Хозир бу ишга ҳам ахамият берилмаяпти).